

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАЛОМОВА НОДИРА БАХОДИРОВНА**

**БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ТИЗИМИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ВА  
БЮДЖЕТЛАШТИРИШ УСЛУБИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Абдусаломова Нодира Баходировна**

Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш  
услубиятини такомиллаштириш ..... 3

**Абдусаломова Нодира Баходировна**

Совершенствование методологии внутреннего контроля и  
бюджетирования в системе управленческого учета ..... 35

**Abdusalomova Nodira Bakhodirovna**

Improving the methodology of internal control and budgeting in the  
management accounting system..... 67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 73

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАЛОМОВА НОДИРА БАХОДИРОВНА**

**БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ТИЗИМИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ВА  
БЮДЖЕТЛАШТИРИШ УСЛУБИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Iqt187 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Ибрагимов Абдугапур Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Каримов Неъматулла Фатхуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Аликулов Абдумўмин Исматович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_\_» ноябрь куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй. Тел: (99871)234-53-34, факс: (99871)234-46-26, e-mail:info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй. Тел.:(99871)234-53-34, факс:(99871)234-46-26, e-mail:info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Н. Қузиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**С.У. Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.И. Каримқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

## КИРИШ (иктисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида корхоналарда бошқарув ҳисобини юритиш ва ундан тўғри фойдаланишни таъминлаш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш бошқаришнинг зарур воситаси бўлиб, бошқарув қарорларининг сифати ва самарадорлигини, кутилган ижобий натижани максимал даражада ошириш ва иқтисодий фаолият хавфларини самарали бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро миқёсда бошқарув ҳисобини тарғиб қилиш, методологиясини такомиллаштириш масалалари «Халқаро бухгалтерлар федерацияси (International Federation of Accountants, IFAC) қошидаги Молиявий ва бошқарув ҳисоби қўмитаси, АҚШда Бошқарув ҳисоби институти (Institute of Management Accountants – IMA) ва Буюк Британиянинг Бошқарув бухгалтерлари институти (Chartered Institute of Management Accountants (CIMA))»<sup>1</sup> томонидан кўриб чиқилади. Қўмита компаниялар учун тавсия этиладиган бошқарув ҳисоби стандартларини ишлаб чиқади. Бошқарув ҳисоби институтининг дунё миқёсида 75000 та аъзоси ва 300 дан ортиқ минтақавий ваколатхоналари мавжуд. CIMA бошқарув ҳисобининг 4 та асосий тамойилини тавсия этади: «алоқа, маълумотлардан фойдаланиш, омиллар таъсирини таҳлил қилиш, ишончли бошқарув»<sup>2</sup>. Ҳозирги вақтда бошқарув ҳисобининг функциялари ва тамойиллари рўйхати сезиларли даражада кенгайиб, бюджетлаштириш ва ички назоратни ташкил қилишни услубий жиҳатдан такомиллаштириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Халқаро амалиётда бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар металлургия саноати тармоғи фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, металлургия корхоналарида бошқарув ҳисобини юритиш механизми, бошқарув ҳисобида қўлланилувчи техник ва иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш алгоритми, металлургия саноати тармоғи тузилмаларида стратегик бошқарув ҳисобини ривожлантириш муаммолари ва хусусиятларига эътибор қаратган ҳолда ахборот таъминотини яратиш, таннархни ҳисобга олиш хусусиятлари афзалликларини белгилаб беради. Ривожланган давлатлар тажрибаси ва илмий ютуқларни тадқиқ этиш асосида металлургия тармоғида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар халқаро стандартлари тамойилларига мувофиқ корхоналар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ислоҳ қилишнинг асосий ахборот манбаи сифатида бошқарув ҳисоби ва ички ҳисоботларни такомиллаштириш, ички назорат ва бюджетлаштириш усулларини ишлаб чиқиш асосида ички назорат ва бюджетлаштириш тизими концепцияси ва

<sup>1</sup> «Management Accountants Seeing Pay Raises». Accounting Today. 2 March 2018. Retrieved 10 August 2018.

<sup>2</sup> <https://www.cimaglobal.com>

услугиятини шакллантириш, унинг назарияси ва амалиётини янада ривожлантириш илмий муаммосини ҳал этиш муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда металлургия саноати иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Сўнгги икки йил давомида кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналарини жадал ривожлантириш, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган узоқ муддатли дастурлар қабул қилинди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида металлургия тармоғининг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 2017 йилдаги 8,4 фоиздан 2018 йилда 11,2 фоизга ошди. Тармоқда бошқарувнинг замонавий усуллари кенг жорий этиш йўли орқали бухгалтерия ҳисоби, бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш тизимини халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштириш бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг услубий асосларини яратиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши жорий йилда 35 фоиздан 37 фоизга ортиши кутилмоқда. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш»<sup>3</sup> устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда бошқарув ҳисобини халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш, бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сонли «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июндаги 425-сонли «Рангли ва қора металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 ноябрдаги 911-сонли «Ўзметкомбинат» АЖнинг инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш ва объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>3</sup>2018 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси». <http://uza.uz>.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, Institute of Management Accountants (IMA), Association of International Certified Professional Accountants (AICPA), Chartered Institute of Management Accountants (CIMA), Statements on Management Accounting (SMA), Institute of Chartered Accountants In England and Wales (ICAEW), Agreement with the Institute of Cost Accountants of India (ICAI), Institute of Professional Financial Managers (IPFM, Буюк Британия), Institute of Professional Financial Managers, Chartered Institute of Management Accounting (CPA Australia), University of Westminster (Буюк Британия), Россия транспорт университети қошидаги Иқтисодий ва молия институти (Россия), Иқтисодий ва молия институти (Қирғизистон), Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент молия институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, яъни: бошқарув ҳисобининг халқаро стандартини ишлаб чиқиш асосида бошқарув ҳисоби концепцияси, бошқарув ҳисобининг амалиёт ва технологияси такомиллаштирилган (Statements on Management Accounting, American Accounting Association); молиявий натижаларни яхшилаш мақсадида бошқарув ҳисоби ва харажатларни назорат қилиш тизими такомиллаштирилган (University «St.Clement Ohridski» – Bitola, Marksova); бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва корхона фаолиятини тартибга солиш функциялари такомиллаштирилган (Universiti Utara Malaysia); инвестицияларни бюджетлаштириш ва уларни молиялаштириш манбалари ички назорат қилиш усули такомиллаштирилган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети); бюджет жараёнини фаолиятга асосланган бюджетлаштириш методологияси (activity-based budgeting) асосида шакллантириш тавсия этилган (The George Washington University, Lancaster University, University of Southern California); ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда

---

<sup>4</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи:  
<https://miit-ief.ru/about/>; <https://www.cimaglobal.com/>; <https://www.aicpa-cima.com/>; <http://www.m-economy.ru>;  
<https://www.cpaaustralia.com.au/become-a-cpa/professional-bodies/cima>;  
<https://www.aicpa.org/>; <https://www.icaew.com/>; <https://ipfm.eu/>; <https://icmai.in/icmai/index.php>; <https://ipfm.org/>;  
<http://ief.kg/>; <https://www.aicpacima.com/>; <https://studbooks.net/1415447/>;  
<https://www.epma.com>; <https://www.westminster.ac.uk/study/current-students/support-and-facilities/career-development-centre/finding-work/finding-jobs-by-subject-rector/accountancy-and-financial-management>;  
<https://smallbusiness.chron.com>; ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ички назоратни ахборот билан таъминлаш методологияси такомиллаштирилган (Россия ҳамкорлик университети).

Дунё миқёсида бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, яъни: саноат корхонасининг автоматлаштирилган ахборот тизимининг функционал модули ёрдамида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш; ҳисобга олиш ва мавжуд бюджетлаштириш тизимини баҳолаш ва такомиллаштириш; бюджетлаштириш ва ички назоратнинг бошқарув ҳисобидаги методологик масалалари; ички назорат тизимини бошқарув ҳисоби ва корхоналар фаолиятини тартибга солиш функциялари орқали такомиллаштириш; ички назорат тизимини ташкил этиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш; халқаро стандартлар асосида ички назорат методологиясини такомиллаштириш; бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштириш усуларини такомиллаштириш; бошқарув ҳисоби тизимида харажатларни бошқариш мақсадида бюджет самарадорлигини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш муаммолари, бошқарув ҳисоби тизимларининг ривожланиши бир қатор хорижлик ва мамлакатимиз олимлари томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, мазкур муаммонинг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ўрганиш масалалари хорижлик олимлардан К.Друри, Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, Р.Гаррисон, Э.Норин, П.Брюэр, С.Т.Хорнгрен, С.М.Датар, М.В.Ражан, Ж.К.Шим, Э.А.Аткинсон, М.А.Бахрушина, В.В.Бурцев, А.Д. Шеремет, В.Б.Ивашкевич, А.В.Ильина, Т.Карпова, Н.А.Ермакова, О.В.Савостина<sup>5</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Кейинги йилларда республикамизда ҳам бошқарув ҳисоби, ички назорат ва бюджетлаштириш масалаларига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилди ҳамда илмий мақолалар, монографиялар ва дарсликлар чоп

---

<sup>5</sup> Друри К. Управленческий и производственный учет / Учебный комплекс для студентов вузов; Пер. с англ. В.Н. Егорова. – 6-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.– 1423 с.; Нидлз Б. Принципы бухгалтерского учета [Текст] / Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл; Пер. с англ.; под ред. Я.В. Соколова. – М., 2-е изд.: Финансы и статистика, 2004. – 496 с.; Гаррисон Р., Норин Э., Брюэр П. Управленческий учет. СПб.: Питер, 2012. - 592 с. (с 38); Horngren С.Т., Datar S.M., Rajan M.V. Cost Accounting: Managerial emphasis/ 14th edition. – Prentice Hall: New Jearsey, 2012. – 892 pages.; Shim J.K. Managerial Accounting. Paperback. 2nd edition. McGraw-Hill Education-Europe. 2011. p.384.; Аткинсон Э.А. Управленческий учет [Текст] / Э.А. Аткинсон, Р.Д. Банкер, Р. Каплан. Пер. с англ. – М.: Вильямс, 2016. - 880 с.; Бахрушина М.А. Управленческий учет в государственных (муниципальных) учреждениях: методология, организация и направления совершенствования. Монография / Под ред. д.э.н., проф. М.А. Вахрушиной. – М.: Научные технологии, 2015. – 268 с.; Бурцев В.В. Организация системы внутреннего контроля коммерческой организации. – М.: Экзамен, 2013. 197 с.; Шеремет А. Д., Керимов В. Э. Уникальные методы управленческого учета: модель «Кайзен-костинг» // Аудит и финансовый анализ. – 2018. – № 1. – С. 303–310.; Ивашкевич В.Б. Бухгалтерский управленческий учет: Учебник /. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Магистр: НИЦ ИНФРА-М, 2015. – 448 с.; Ильина А. В. Управленческий учет: учеб. пособие / А. В. Ильина, Н. Н. Ильшева. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2016. – 180 с.; Карпова Т. Учет затрат и калькулирование себестоимости готовых объектов и отдельных циклов работ при долевом строительстве: монография. –М, 2018. – 276 с.; Савостина О.В. Развитие теоретико-методических основ анализа и операционного бюджетирования производственной деятельности промышленного предприятия. Дисс. канд. экон. наук. Екатеринбург, 2014. – 246 с.



этилди. Булар жумласига, А.К.Ибрагимов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, Р.Д.Дўсмуратов, Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков, К.Б.Ахмеджанов, Ш.И.Илхамов, С.У.Меҳмонов, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, Б.Ю.Махсудов, А.Ж.Туйчиев, К.Б.Ўразов, И.Н.Қўзиев, М.М.Тулахаджаева, З.Н.Қурбанов, К.Р.Хотамов, М.Э.Пўлатов<sup>6</sup> ва бошқаларнинг изланишларини киритиш мумкин.

Юқоридаги олимларнинг илмий ишларида бошқарув ҳисобининг назарий асослари, бюджетлаштиришнинг бошқарув ҳисоби тизимидаги ўрни, ички назоратнинг назарий ва амалий қоидалари шаклланиши ва бошқарув ҳисобини такомиллаштиришнинг умумий жиҳатлари ўз ифодасини топган бўлиб, олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида металлургия тармоғи корхоналарида бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш, бюджетлар ижросини назорат қилиш услубиятлари етарлича ўрганилмаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат эса, бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш назарияси ва услубияти ҳамда уни ташкил этишни янада ривожлантириш зарурлиги тадқиқот мавзусининг танланиши ва унинг долзарблигини белгилаб берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш концепциясининг университет илмий тадқиқот фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши», шунингдек, мамлакатни истиқболли ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан иқтисодий дастурларининг вазифаларига мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошқарув ҳисоби, ички назорат ва бюджетлаштириш тушунчаларига такомиллаштирилган муаллифлик таърифларини ишлаб чиқиш;

---

<sup>6</sup> Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Ризаев Н.К. Амалий бошқарув ҳисоби. – Т.: Молия 2014 й. – 404 б.; Пардаев А.Х., Пардаева З.А. Бошқарув ҳисоби / Дарслик – Т.: «Тафаккур» нашриёти, 2014. – 396; Дўсмуратов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: Yangiyul polygraph service. 2007 й. – 352 б.; Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Дис.икт.фан. д-ри. Тошкент.: БМА, 2006. 272 б.; Тулахўжаева М.М., Илхамов Ш. ва бошқ. Аудит. 2-қисм. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2018.– 584 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд, 2001 й; Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Дис...икт.фан.д-ри. – Т.: ТМИ, 2018; Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Дис...икт.фан.д-ри. – Т., 2011; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. – Т.: Молия, 2003 й. – 248 б.; Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Икт. фан. док. дисс. автореферати. – Т.: ТМИ, 2018; Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2006; Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва таҳлили: назария ва амалиёт масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 166 б.; Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. – Т.: Фан, 2005. -236 б.

металлургия саноати корхоналарининг бошқарув ҳисоби ва ички назорат тизимини шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш;

металлургия саноати корхоналарида бошқарув ҳисоби услубиятини таклиф этиш;

металлургия саноати корхоналарида самарали бошқарув ҳисобини ташкил этишга мўлжалланган ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бошқарув ҳисоби тизимида ички назоратни тартибга солиш функцияларини асослаш;

ички назоратнинг шакл ва турларига аниқлик киритиш асосида металлургия саноати корхоналарида ички назорат тизимини шакллантириш услубиятини такомиллаштириш;

металлургия саноати корхоналарида бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш технологияси асосида металлургия саноати корхонаси учун сотиш бюджетини тузиш услубиятини ишлаб чиқиш;

маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси металлургия тармоғига кирувчи корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти маълумотлари танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли ёндашув, гуруҳлаш, таққослама таҳлил, индукция, дедукция, қиёсий таққослаш, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш, монографик кузатиш, статистик таҳлил, омилли таҳлил, иқтисодий-математик ҳамда бухгалтерия ҳисоби усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

самарали бошқарув ҳисобини ташкил этишга мўлжалланган услубият (тамойиллар), амалиёт (жараёнлар)ни ўзида акс эттирувчи такомиллаштирилган ҳисоб сиёсатини шакллантириш услуби ишлаб чиқилган;

корхоналарда ички назорат тизимини шакллантириш услубияти ички назоратнинг ўтказиш вақти, назорат жараёнлари, қўлланилиш соҳаларига кўра шакллари, ички назоратнинг бошқарув функциялари, амалга ошириш усуллари, назорат фаолиятининг субъектлари ва объектлари бўйича турлари ҳамда ички назоратнинг қонунийлик, илмийлик, объективлик тамойиллари асосида такомиллаштирилган;

бюджетлаштиришда кўрсаткичларни шакллантириш бўйича бошқарув ҳисобининг объектлари тузилмаси асосида сотиш бюджетини тузиш алгоритми такомиллаштирилган;

ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, бюджетларни шакллантириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва инвестиция лойиҳаларини баҳолаш

бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни олиш ҳамда бошқарув сифатини баҳолаш учун харажатларнинг келиб чиқиш жойлари, жавобгарлик марказлари бўйича ахборотни деталлаштириш имконини берувчи бюджетлаштириш методикаси ишлаб чиқилган;

бошқарув ҳисоби тизимининг бюджетлаштириш жараёнида тушумлар ва тўловлар бюджети бўйича ахборотларни шакллантиришга мослаштирилган ишчи счетлар режаси иккита бюджет счёти ва иккита оралик счётларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

«бошқарув ҳисоби» таърифи корхонани бошқаришда ресурслардан оқилона фойдаланиши, ходимларнинг доимий жавобгарлигини таъминлаш, қарор қабул қилиш ва амалдаги операцияларнинг самарадорлигини ошириш, харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг мураккаб тизими ва «бюджетлаштириш» таърифи фаолиятни назорат қилиш бошқарув технологияси, ресурсларни бошқаришда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида интизомий назоратни кучайтиришни киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

металлургия саноати корхоналари тизимлаштирилган ҳисоботида акс этувчи даромад ва харажатларни ҳисобга олиш, меъёрлаштириш, режалаштириш, бюджетлаштириш, назорат ва таҳлил қилиш имконини берувчи бошқарув ҳисоби ахборот тизими таклиф этилди;

металлургия саноати корхоналарида бошқарув ҳисобининг ривожланиш жараёнлари ва муаммолари тадқиқ этилиб, бошқарув ҳисоби хизматини ташкил этиш ва бошқарув ҳисоби ҳисоботларининг таркиби таклиф этилди;

ички назорат тизимида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш, харажатларни камайтириш имконини берувчи ички назоратни ахборот тизими асосида ташкил этиш усули таклиф этилди;

металлургия саноати корхоналари таркибий бўлинмаларида бюджетларни ишлаб чиқиш тартиби таклиф этилди;

бюджетлаштириш тизимини таъминловчи назорат ва таҳлил қилиш тартиби ишлаб чиқилди;

ички ҳисоботни тузиш алгоритми ишлаб чиқилди.

**Олинган натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот давомида фойдаланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, хусусан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ва тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан республикадаги барча бухгалтерия ҳисоби субъектлари жумладан, металлургия саноати тармоғи корхоналарида бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти хусусан, металлургия тармоғида татбиқ этилиши, бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўйилиши, ички назорат ва бюджетлаштириш тизими самарадорлиги ва бошқарув қарорларининг асосланганлик даражасини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

металлургия саноати корхонасида самарали бошқарув ҳисобини ташкил этишга мўлжалланган услубият (тамойиллар), амалиёт (жараёнлар)ни ўзида акс эттирувчи ҳисоб сиёсатини шакллантириш тартиби бўйича таклифи «Ўзбекистон Металлургия комбинати» АЖ томонидан бошқарув ҳисобини ташкил этишда фойдаланилган. («Ўзбекистон Металлургия комбинати» АЖнинг 2019 йил 14 августдаги 01/04-02-254-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида тежалган харажатлар миқдори 2019 йил ярим йилликда 3,0 % га ошган;

ички назорат тизимини ташкил этиш тартиби ва унинг таркибий қисмлари тўғрисидаги таклифлари, ички назоратни асосий тамойилларига оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 30 августдаги 06-17-01-35/669-3836 сон маълумотномаси); ички назорат тизимининг шакллантириш услубияти бўйича таклифи 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сонли «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2019 йил 14 августдаги 03-09-2-7854-сон маълумотномаси); металлургия саноати корхоналарида ички назорат тизимини шакллантириш услубияти бўйича таклифи «Ўзбекистон Металлургия комбинати» АЖ ички назорат хизматини ташкил этишда фойдаланилган («Ўзбекистон Металлургия комбинати» АЖнинг 2019 йил 14 августдаги 01/04-02-254-сон маълумотномаси). Таклифни амалиётда қўлланилиши натижасида фаолиятга таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар аниқланиб, 2019 йил ярим йилликда тежалган харажатлар миқдори 2,5% ни ташкил этган;

металлургия саноати корхонаси учун сотиш бюджетини тузиш услубияти бўйича таклифи «Ўзбекистон Металлургия комбинати» АЖнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзбекистон Металлургия комбинати» АЖ 2019 йил 14 августдаги 01/04-02-254-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида корхона мулки ва уни шакллантириш манбаларининг таркиби, тузилмасини оптималлаштириш

имконини бериб ва шу тариқа солиқ юкининг камайиши, маҳсулот таннархини пасайиши ва корхонанинг молиявий барқарорлигининг ошишини таъминланиб 2019 йил ярим йиллик давр мобайнида харажатлар 4,0 % га камайган;

ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, бюджетларни шакллантириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш имконини берувчи бюджетлаштириш услуги бўйича таклифи «Ўзбекистон Metallургия комбинати» АЖ ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган. («Ўзбекистон Metallургия комбинати» АЖнинг 2019 йил 14 августдаги 01/04-02-254-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида 2019 йил ярим йилликда харажатлар 2,5 % га камайган.

бошқарув ҳисоби тизимининг бюджетлаштириш жараёнида тушумлар ва тўловлар бюджети бўйича ахборотларни шакллантиришга мослаштирилган ишчи ҳисоблар режасига иккита бюджет ҳисоби ва иккита оралиқ ҳисобларни киритиш бўйича таклифи «Ўзбекистон Metallургия комбинати» АЖ ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзбекистон Metallургия комбинати» АЖнинг 2019 йил 14 августдаги 01/04-02-254-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида 2019 йил ярим йилликда тежалган харажатлар миқдори 2,0 % ни ташкил этган;

бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштириш тушунчаларига берилган такомиллаштирилган таърифлари 5230900 - «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» мутахассисликлари талабалари учун тавсия этилган «Бошқарув ҳисоби» фани бўйича муаллиф томонидан ёзилган дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сон буйруғи билан тасдиқланган 394-112-сон гувоҳномаси). Ушбу таърифлар бошқарув ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштиришга ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 4 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича илмий ишлар жами 24 та, шу жумладан 1 та ҳаммуаллифликдаги дарслик, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 11 та, жумладан 9 таси республика ва 2 таси нуфузли хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 11 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 260 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Металлургия саноати корхоналарида бошқарув ҳисобининг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида бошқарув ҳисобининг шаклланиши ва муаммолари, бошқарув ҳисобининг металлургия саноати корхоналарини бошқаришдаги ўрни ва ташкилий-услубий жиҳатлари, бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг хориж тажрибаси чуқур ўрганилиб, шулар асосида металлургия саноати корхоналарида бошқарув ҳисоби услубиятини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Муаллифнинг фикрича, металлургия саноати корхоналарида бошқарув ҳисобини амалга ошириш бир нечта омилларга боғлиқ бўлади: металлургия саноати корхонаси таркибий бўлинмаларининг турли хил белгилар бўйича фарқланиши ва назорат учун аниқ бошқарув тизими мавжуд эмаслиги моддий ресурсларни тақсимлашда мураккаб жараёни юзага келтиради; сўнгги йилларда, металлургия саноати корхоналари жуда тез сураъатларда ривожланиб бормоқда, натижада уларнинг нафақат ташки, балки ички манбалардан ҳам олинмаган қўшимча ресурсларга эҳтиёжи ортиб бормоқда; металлургия саноат корхонаси нафақат мураккаб таркибий-ташкилий тузилма сифатида, балки бюджетлаштириш ва бошқарув ҳисобини ташкил қилишда мураккаб тизим ҳисобланади; ҳар қандай бошқарув функцияси каби ички назорат ва бюджетлаштиришни амалга ошириш учун ресурслар талаб этилади, бу эса металлургия саноати корхоналарида бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат самарадорлигини ошириш ва бюджетлаштиришни ташкил қилишда илмий ва услубий ишланмаларнинг долзарблиги ва амалий аҳамиятини белгилайди. 1-расмда Ўзбекистон Республикаси саноат ишлаб чиқариш ҳажмида металлургия саноатининг улуши келтирилган.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси саноат ишлаб чиқариш ҳажмида металлургия саноатининг улуши (%да)<sup>7</sup>**

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 25 июльдаги 01/2-02-17/2-200-сонли маълумотномаси.

Ўзбекистон Республикаси саноат ишлаб чиқариш ҳажмида металлургия саноатининг улуши таҳлили энг юқори кўрсаткич 2006 йилда қайд этилган бўлиб, 20,8 %ни ташкил этган. 2011-2016 йиллар оралиғида 13,0 дан 10,8 % гача камайган. 2017 йилда металлургия саноати улуши 8,4 %ни ташкил этган бўлса, 2018 йил якунлари натижасида ушбу кўрсаткич 13,3 %ни ташкил этган. Металлургия саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2010-2015 йилларда 3087,2 млрд.сўмни (102,4 %) дан 7088,8 (102,8 %)га, 2016-2018 йилларда 8040,1 млрд.сўм (101,6 %) дан 31299,5 млрд.сўм (106,6%) га ошган.

Металлургия саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришда энг йирик корхоналар «Ўзметкомбинат» АЖ, «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Навой КМК» ҳисобланади. Худудлар кесимида металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг катта қисми, яъни 2018 йил ҳолатига 45 % Тошкент вилоятига тўғри келади. Шу билан бирга, металлургия тармоғининг йирик корхоналаридаги мавжуд бошқарув тузилмаси, фойдали қазилмалар захиралари ҳисобини юритиш ва баҳолаш услублари ишлаб чиқариш ҳажми ва инвестициявий жозибадорлик ошиши, ички назоратни сифатли ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, яна бир муҳим муаммо бу узоқ йиллар мобайнида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг ягона услубияти мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар муаллифга маҳаллий корхоналарда бошқарув ҳисобини жорий этишда тўсқинлик қилувчи тизимли, ташкилий, техник, таннархни шакллантиришдаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва муаммоларни ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

Фикримизча, бошқарув ҳисобининг моҳиятини унинг мақсади, предмети, объекти ва услуби ёрдамида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Бошқарув ҳисоби корхонани бошқаришда ресурслардан оқилона фойдаланиш, ходимларнинг доимий жавобгарлигини таъминлаш, қарор қабул қилиш ва амалдаги операцияларнинг самарадорлигини ошириш, харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг мураккаб тизими шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилишда манфаатдор томонларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олишни таъминлаш ҳисобланади. Таклиф қилган бошқарув ҳисобининг моҳиятига ёндашув ушбу ҳисобнинг асосий мезонлари ва таркибий қисмларининг ўзаро алоқаси асосида чизма кўринишида қуйидаги 2-расмда янада атрафлича ёритиб берилган (2-расм).

Бизнинг фикримизча, бошқарув ҳисобининг ўзига хос жиҳати шундаки, бошқарув ҳисоби бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган корхонанинг умумий ахборот тизимини ифода этади. Тадқиқот давомида бошқарув ҳисобининг асосий мақсади муайян ишлаб чиқариш натижалари учун масбул барча бошқарув поғоналаридаги корхона бошқарувчиларини тезкор ахборот билан таъминлашдан иборат, деган хулосага келиниб, корхона бошқарувчилари томонидан тезкор ва стратегик қарорлар қабул қилиш учун тизимлаштирилган ҳисоботда акс этувчи даромад ва харажатларни ҳисобга олиш, меъёрлаштириш, режалаштириш,

бюджетлаштириш, назорат ва таҳлил қилишга имкон берувчи бошқарув ҳисоби ахборот таъминоти ишлаб чиқилди.



2-расм. Бошқарув ҳисобининг моҳиятига муаллиф ёндашуви<sup>8</sup>

Тадқиқот давомида металлургия саноати корхонасининг даражаларга бўлинган ташкилий тузилмаси ва корхонага раҳбарлик қилишнинг ҳар бир даражасида бошқарувнинг ахборотларга эҳтиёжлари гуруҳлаштирилиб, операцион, инвестициявий ва молиявий фаолият турларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоботларни тузиш таклиф этилган.

Муаллиф томонидан металлургия саноати корхоналари кўлами ва унинг ташкилий тузилмасига кўра бошқарув ҳисоби хизматини ташкил этишнинг иккита варианты таклиф этилди.

Ушбу таклифларни амалиётда қўлланиши натижасида металлургия саноати корхонаси бошқарувчиларига тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборотли ёрдам кўрсатиш; корхонада белгиланган бюджетга мос равишда моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни бюджетлаштириш тизимини шакллантириш учун ахборот йиғиш ва тизимлаштириш; корхонанинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил ва назорат қилиш; корхона харажатларини оптималлаштириш; корхона ва унинг жавобгарлик марказлари фаолиятининг самарадорлигини режалаштириш ва прогнозлаш имконияти яратилади.

<sup>8</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.



Диссертациянинг «**Бошқарув ҳисоби тизимида ички назоратни ташкил этиш услубияти**» деб номланган иккинчи бобида бошқарув ҳисоби ва ички назорат тизимларининг ўзаро боғлиқлиги тамойиллари, металлургия саноати корхоналарида ички назоратнинг назарий–услубий асослари ва ички назоратни ахборот билан таъминлашда жавобгарлик марказларининг ўрни тадқиқ этилиб, таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Металлургия тармоғига кирувчи корхоналарда ички назорат тизими услубиятини ишлаб чиқиш зарурати қуйидаги сабабларга кўра юзага келади:

1) бош корхона ва ҳудудий корхоналар харажатларининг юзага келиш марказлари ва жавобгарлик марказлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг тезкор назоратини таъминловчи ички назорат тизимини ташкил этишга нисбатан янги ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш зарурлиги;


2) металлургия саноати корхонаси ҳудудий корхоналари томонидан ички назорат тизимини ташкил этиш ва ички назорат усуллари бўйича иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг илғор хорижий тажрибасини ҳисобга олувчи таклифларнинг талаб этилиши;

3) металлургия тармоғи корхоналари фаолиятининг кўп тармоқли сегментлари бўйича бюджетлар ижросини тезкор назорат қилиш ва бюджетлаштириш моделини шакллантириш долзарблиги;

Ўтказилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда металлургия саноати корхоналарида ички назорат асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар ажратилди, яъни: ишлаб чиқариш қувватлари, объектлар ва асосий воситаларни ишга тушириш режасининг бажарилиш назорати; ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиш назорати; ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг назорати; ишлаб чиқариш жараёни ривожланишининг назорати ва металлургия саноати корхонаси молиявий ҳолатининг ички назорати.

Металлургия саноати корхоналаридаги бошқарув услубининг таҳлили шундан далолат бериб турибдики, раҳбарлар «Ички назорат тизими ҳақидаги низом»нинг бор-йўқлиги, бюджетларнинг тузилиш-тузилмаслиги ва улар ижросининг ким назорат қилишига асосан бефарқ бўлмоқда. Амалиётга кўра, бу молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, оқибатда ички назорат онда-сонда амалга оширилади, бунинг натижасида хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи ўғрилиқ ва қаллоблик каби иллатларнинг олдини олиш имкони бўлмайд.

Шунга асосан, металлургия саноати корхоналарида ички назорат тизимини ташкил этишни қуйидаги тартибда амалга ошириш таклиф этилди (3-расм).



**3-расм. Металлургия саноати корхонасида ички назорат тизимининг ташкил этиш тартиби<sup>9</sup>**

Фикримизча, бошқарув ҳисобини ташкил этишда ички назоратни қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ: назорат функциялари, назорат субъекти (ким назорат қилади), назорат объекти (кимни назорат қилади), назорат қилиш усуллари, корхонанинг ташкилий таркибий тузилиши, назорат натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш, қарор қабул қилиш жараёнида ходимларнинг тутган ўрни, алоҳида таркибий бўлимларнинг мақсад ва вазифалари мажмуи, ички назорат ўтказиш жараёнлари, ички назорат хизмати ходимларининг малакавий даражасини назорат қилиш ва мониторинг қилиш усуллари, бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоби маълумотлари, тузиладиган ҳисобот шакли, вақти ва даврийлиги, ахборот-коммуникация технологиялари.

Фикримизча, ички назорат бўйича илмий изланишлар олиб борган муаллифларнинг ёндашувларини таҳлил қилиб, ички назорат тизимини қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Металлургия саноати корхоналарининг ташкилий тузилмаси ички назоратнинг мос шакллари белгилаб беради. Ташкилий тузилмада жавобгарлик, назорат объектлари ва ички ҳисоботларни тузиш тартибини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Тегишли жавобгарлик марказининг ваколатлари ички назорат функцияси билан белгиланиб, лавозим йўриқномаларида қайд этилади.

<sup>9</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

Ички назорат тизимининг таркибий қисмлари<sup>10</sup>

Ички назорат тизимининг таркибий қисмлари	Мазмуни
Маъмурий-бошқарув назорат	Корхонанинг бошқарув тизими ва фаолият самарадорлиги назорати
Ҳуқуқий назорат	Амалдаги қонунчиликка риоя этилишини мониторинг қилиш ва шартномаларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш, лицензия олиш, ички ҳужжатларни юридик жиҳатдан текшириш, шикоятларни ўрганиш
Ходимлар назорати	Ходимларнинг ички меҳнат қоидаларига риоя этилиши, ишларни самарали ташкил этиш учун ходимларнинг вақтини тақсимлаш, шунингдек, ходимлар малакасини текшириш, ишга қабул қилиш тартибини такомиллаштириш ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш
Бухгалтерия ҳисоби назорати	Бош бухгалтер ва бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан олиб бориладиган операцияларни қонунийлиги ва уларни ҳисобга олишни текшириш
Солиқ назорати	Бухгалтерия ҳисоби субъектининг солиқ ҳисоби ва ҳисоботининг ишончлилиқ даражаси, унинг барча жиҳатларини қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлиги, уни тузиш тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисобида солиқлар ва йиғимларни тўғри ҳисобга олишни текшириш
Молиявий назорат	Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни ва бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисоботларидаги молиявий кўрсаткичларни назорат қилиш
Техник назорат	Маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига риоя этилиши, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишнинг техник кўрсаткичлари, шунингдек, белгиланган технологик меъёрларга риоя этилишини назорат қилиш

Фикримизча, ички назоратнинг алоҳида вазифалари ичида қуйидагиларни ажратиш мақсадга мувофиқ: асосий назорат қилинадиган кўрсаткичларни белгилаш; назорат объекти хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижалари ҳақидаги ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш; ҳақиқий натижаларни режа кўрсаткичлари билан қиёслаш; ҳақиқий натижаларнинг белгиланган кўрсаткичлардан четга чиқиш ҳолатларини аниқлаш; белгиланган меъёрлардан четланишлар сабабларини таҳлил қилиш; заруратга кўра қўзланган мақсадларга эришиш учун тегишли таъсир этиш чораларини кўриш юзасидан таклифлар бериш ва дастурлар ишлаб чиқиш; таклиф этилган таъсир этиш чораларини тасдиқлаш ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилишида ички назорат тамойиллари муҳим ўрин эгаллайди, шунинг учун ҳам ички назорат услубиятини ишлаб чиқишда назорат тамойилларини белгилаш муҳим жиҳат ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, назорат тамойиллари муаммоси назарий, услубий ва амалий жиҳатдан етарлича ишлаб чиқилмаган деган хулосага келиниб, қуйидаги ички назорат тамойиллари таклиф этилади (4-расмда).

<sup>10</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.



4-расм. Ички назоратнинг асосий тамойиллари<sup>11</sup>

Металлургия саноати корхоналарида раҳбарларининг ваколат ва мажбуриятлари ҳажмига кўра қуйидаги жавобгарлик марказларини ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: харажатлар, сотувлар, даромадлар, фойда, мол-мулкка инвестициялар, қимматли қоғозлар, назорат ва бошқарув. Жавобгарлик марказларининг вазифа ва функцияларига кўра одатда улар асосий ва хизматлар кўрсатувчи марказларга бўлинади. Ҳар бир жавобгарлик маркази учун мақсад ва вазифалар, шу жумладан ахборот мақсад ва вазифалари белгиланган бўлиши керак. Шунга асосан, тадқиқот ишида металлургия саноати корхоналарида ички назоратни ахборотлар билан таъминлаш тизимини шакллантиришнинг умумий тартиби таклиф этилган.

Таклиф этилган тартибга мувофиқ, ички назоратни ахборотлар билан таъминлаш тизимида ички назоратни ахборотлар билан қўллаб-қувватлашнинг етарлилигини баҳолаш керак. Шу билан бирга жавобгарлик марказлари ички назоратини ҳисоб-таҳлилий кичик тизим, бошқарув ташкилий тузилмаси, кадрларни бошқариш (ходимлар бошқарув назорати) ва корxonанинг бошқа элементларига таянган ҳолда уни қўллаш соҳасини кенгайтириш лозим.

Бундай ёндашув металлургия корхонасининг барча бошқарув назорати усулларини тўлиқ қамраб олиш зарурлиги билан боғлиқ, чунки тўғри ташкил этилмаган ички назорат корхона молиявий-иқтисодий ҳолатининг умумий тавсифини шакллантириш имконини бермайди ва самарали бошқарув қарорлар қабул қилишни қийинлаштиради. Ҳозирги вақтда бошқарув ҳисоби тизимида ички назоратнинг юқорида кўрсатиб ўтилган айрим объектлари бўйича методикалар, шу жумладан ходимлар бошқарув назорати методикаси қисман ишлаб чиқилган бўлиб, етарлича ички назоратни ташкил қилиш имконини бермайди.

Муаллифнинг фикрича, тўпланган тажрибани тизимлаштириш мақсадида бошқарув ҳисоби тизимида ички назоратни ўтказишда фойдаланувчи барча молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни бир қатор белгилар бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, тадқиқотда ички назоратни ўтказишда фойдаланувчи кўрсаткичлар таснифи ишлаб чиқилган.

<sup>11</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

Ички назорат мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш орқали амалга оширилиши унинг такомиллаштирилиши бошқарув кичик тизимлари (сотув, таъминот, нархни шакллантириш ва ҳ.к.)нинг мантиқий-танқидий таҳлилини ҳамда тизимли-муаммоли ёндашувини амалга ошириш имконини беради.

Диссертациянинг «**Бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштиришни шакллантириш услубияти**» деб номланган учинчи бобида корхона бош бюджетини тузиш услубияти ва бюджет бажарилишини баҳолаш ҳамда назорат қилиш йўллари, металлургия саноати корхоналарида сотиш бюджетини шакллантириш тартиби ва услубияти тадқиқ этилиб, таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Металлургия корхонаси фаолиятига бюджетлаштиришни татбиқ этиш корхонадаги молиявий интизом, молиявий ҳолатни яхшилаш, корхонанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун зарурат ҳисобланади.

Тадқиқотда мижозлар талабини, захиралар меъёрини прогноз қилиш дастурини ишлаб чиқиш асосида металлургия саноати корхонаси учун сотиш бюджетини тузиш услубияти таклиф этилиб, ушбу таклиф асосида сотиш бюджетининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш дастури белгиланади, корхонанинг аниқ мижозлари учун юк қабул қилиш, тушириш тақсимотини шакллантирилиб, харид қилиш дастурлари белгиланади, корхона қувватларидан оптимал фойдаланиш орқали талабни юқори даражада кондириш дастурини ишлаб чиқишни кўзда тутган ҳолда ҳар бир ой бўйича корхона маҳсулотларининг якуний қолдиқлари, хомашё ва материаллар ҳаракати, қолдиғи ва хомашёга эҳтиёж миқдорини аниқлаш имконияти яратилади. 2-жадвалда сотиш бюджетини тузиш услубияти асосида шакллантирилган «Ўзметкомбинат» АЖда металл хомашёсига талаб миқдори келтирилган.

## 2-жадвал


### «Ўзметкомбинат» АЖда 2019 йилда металл хомашёсига эҳтиёж

МИНГ.ТОННА

Ҳ.р	Кўрсаткичлар	2019 йил учун жами	Фондда	Чораклар бўйича			
				I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
	<b>Жами, ресурслар</b>	<b>1 382,9</b>	<b>100</b>	<b>331,1</b>	<b>367,7</b>	<b>357,3</b>	<b>326,9</b>
<b>1.</b>	<b>Республика ичидаги ярим тайёр маҳсулот</b>	<b>617,8</b>	<b>44,67</b>	<b>154,5</b>	<b>185,3</b>	<b>154,5</b>	<b>123,6</b>
1.1.	Республика ичидаги лом ва чиқитлар	617,8	44,67	154,5	185,3	154,5	123,6
<b>2.</b>	<b>Жами хомашё импорти:</b>	<b>765,1</b>	<b>55,32</b>	<b>176,6</b>	<b>182,4</b>	<b>202,8</b>	<b>203,3</b>
2.1.	Куйма яримтайёр хомашё, импорт	318,6	23,0	79,4	75,6	81,8	81,8
2.2.	Иссиқ брикетли темир	253,8	18,3	60,0	62,3	65,8	65,7
2.3.	Металлом, импорт	192,7	14,0	37,2	44,5	55,3	55,8

«Ўзметкомбинат» АЖ ишлаб чиқариш бюджетига мувофиқ, 2019 йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш дастурини 1,150 минг тонна металл маҳсулотини ишлаб чиқаришни таъминлаш учун, йилига 617,7 минг тонна маҳаллий ҳудудлар, шунингдек, 765,1 минг тонна импорт хомашёсидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, бюджетларни шакллантириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш услуби таклиф этилиб, бюджетлаштириш тизимини амалга оширишнинг қуйидаги мантиқий босқичлари таклиф этилди (5-расм).



**5-расм. Металлургия саноати корхоналарида бюджетлаштириш тизимини яратиш босқичларининг мантиқий кетма-кетлиги<sup>12</sup>**

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида металлургия саноати корхоналари учун бош бюджетни шакллантиришни блок-схема кўринишида қуйидаги босқичлар асосида таклиф этамиз (6-расм).

Ушбу блок-схема биринчи даражали бюджетлар орасидаги мумкин бўлган барча ўзаро алоқаларни тўлиқ акс эттириб, бюджетлаштириш жараёнларининг мантиқий кетма-кетлигини тавсифлайди.


Металлургия саноати корхонасида бюджетларни ишлаб чиқиш, назорат ва таҳлил қилишда катта миқдордаги ахборотлар рўйхатга олинади ва қайта ишланади. Бюджетлаштириш жараёнларида бухгалтерия ҳисоби самарадорлиги ва сифати сезиларли даражада ошади ҳамда тегишли дастурлардан (компьютер дастурий таъминоти) фойдаланиш натижасида хатолар сони камаяди.

Хусусан, бюджет жараёнларининг муҳим таркибий қисмларидан бири режалаштириш услубиятининг мавжудлиги ҳисобланади. Бундай услубиятни ишлаб чиқишда бир қатор муаммолар мавжуд.

Биринчи муаммо – бухгалтерия ва молия бўлимлари бюджет кўрсаткичларидаги ҳар бир устун шаклланиши ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши керак бўлиб, унда тўлиқ маълумот мавжуд бўлмаслиги бюджет тузиш босқичларида жиддий хатоликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

<sup>12</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

Иккинчи муаммо – корхона фаолиятидаги ҳақиқий маълумотларни акс эттирмаслик билан боғлиқ ички камчиликлар мавжудлиги. Бунда энг катта қийинчилик пул маблағлари ҳаракатини режалаштириш билан боғлиқ бўлади. Бу ерда кўпинча муаммолар келиб чиқиб, унда ўзаро шартнома тузилган томонлар билан алоқалар етарлича ҳисобга олинмайди.



6-расм. Металлургия саноат корхонаси бош бюджетининг таркибий тузилиши<sup>13</sup>

Бюджет жараёнининг барча таркибий бўлимлари ўзаро боғлиқ бўлиб, корхона бюджетлаштириш тизимини ташкил этади. Metallургия саноати корхоналари учун бюджет жараёнларини амалга ошириш тартибини қуйидаги кўринишда таклиф этамиз (7-расм).

Таклиф этилган бюджет жараёнини амалга оширишга қўйилган талаблар қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ: ҳисоботнинг ишончилигини мажбурий талаблар асосида таъминлаш; руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш; бухгалтерия ҳисоби учун барча операцияларнинг ягона базасини шакллантириш; қуйидаги мақсадлар учун зарур таҳлилий маълумотларни тақдим этиш: (режа ва ҳақиқий маълумотларни қиёслаш;


<sup>13</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

доимий ва ўзгарувчан, бевосита ва билвосита харажатларни ажратиш); кўшимча ички назорат тартиб-қоидаларини белгилаш.



7-расм. Бюджет жараёнини амалга ошириш тартиби<sup>14</sup>

Муаллифнинг фикрича, металлургия саноати корхоналарида бюджетлаштириш жараёнларининг ички назоратини амалга оширишда ҳақиқий бюджет кўрсаткичларининг режадан четга чиқиш сабабларини таҳлил қилишга асосланган бошқарув схемасини қуйидаги кўринишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ (8-расм).



8-расм. Ички назоратини амалга оширишда бюджет кўрсаткичларидан режадан четга чиқиш сабабларини таҳлил қилишга асосланган бошқарув схемаси<sup>15</sup>

<sup>14</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

<sup>15</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.



Бюджетлаштиришни амалга оширишда режалаштириш услубиятининг корхона фаолиятидаги аҳамиятини тушуниш учун уларни «арифметик» амалларини тўғри бажарилиш нуктаи-назаридан эмас, балки, улардан фойдаланишнинг ҳақиқий натижалари ҳамда ташқи муҳит таъсирини таҳлил қилиш керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, металлургия саноати корхонасида бюджетлаштириш тизимини таъминловчи ички назорат ва таҳлил қилиш тартиби таклиф этилди.

Диссертациянинг «**Бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш йўллари**» деб номланган тўртинчи бобда металлургия саноати корхоналарида бошқарув ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг асосий тартиби, бошқарув ҳисоби тизимида бюджетларни ишлаб чиқишга услубий ёндашувларни такомиллаштириш, металлургия саноати корхонаси фаолиятини бюджетлаштиришда бюджетларни тузиш алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда мазкур масалалар бўйича хулосалар шакллантирилган.

Муаллифнинг фикрича, бошқарув ҳисобини тартибга солиш стандартини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Стандартлар бошқарув амалиётини ривожлантириш учун муҳим бўлиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлиши керак: бошқарув ҳисоби доирасида ички назоратни ташкил этишга асос яратиш; бошқарув ҳисоби жараёнлари ва бошқарув сифатини баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблашни стандартлаштириш; бошқарув ҳисоби жараёнига жалб этилган ходимларнинг билим ва кўникмаларини оширишга кўмаклашиш; бошқарув ҳисоби натижаларини шакллантириш жараёнларини стандартлаштириш; бюджетлаштириш жараёнларини ташкил этишга асос яратиш; маҳсулот таннархи ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолашга услубий асос яратиш.


Олиб борилган тадқиқотлар давомида металлургия саноати корхоналарида бошқарув соҳасидаги ҳисоб сиёсатининг намунавий тузилиши ишлаб чиқилган бўлиб, у бошқарув ҳисоби технологияси доирасида амалга оширилиши мумкин.

Тадқиқот ишида таклиф этилган металлургия саноати корхоналари бошқарув соҳасидаги ҳисоб сиёсати тузилмаси уч қисмга ажратилди: бошқарув ҳисобининг назарий асоси (қоидалар), услубий асос (тамойиллар), амалий усуллар (жараёнлар). Қуйидаги 9-расмда ушбу бўлимларнинг ҳар бири асосида ҳисоб сиёсатини тузиш таклиф қилинди.

Бошқарув ҳисоби тизимида тушум ва тўловлар бюджети бўйича маълумотларни тайёрлаш мақсадида бюджетлаштириш жараёнларини ташкил этиш учун қўшимча ички ишчи счётларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун корхона доирасида ишчи счётлар режасига тўртта қўшимча счёт – иккита бюджет счёт ва иккита оралик счётни киритиш таклиф этилган.

9000/1 «Тушумлар бюджети» счётининг кредитида сотиш бюджети (тушум бюджети) асосида режалаштирилаётган тушумни акс эттириш

назарда тутилган, 9000/1 «Тушумлар бюджети» счётининг дебетида ҳақиқий тушумлар (даромад) акс эттирилади.



**9-расм. Бошқарув ҳисоби учун корхона ҳисоб сиёсатининг тузилиши<sup>16</sup>**


9100/1 «Тўловлар бюджети» счёти режадаги ва ҳақиқатдаги пул ўтказмаларини акс эттиришга мўлжалланган бўлиб, 9100/1 «Тўловлар бюджети» счётининг дебетида режалаштирилган тўловлар тўлов бюджетига (харидлар ва бошқалар) мувофиқ акс эттирилади. Ушбу счётнинг кредитида эса ҳақиқатдаги тўловлар акс эттирилади.

1700 «Актив мажбуриятлар» счёти ҳамкорлар бўйича таҳлиллар олиб боровчи оралиқ счёт ҳисобланади. Бунда ҳамкор сифатида харидорлар, мижозлар, мол етказиб берувчилар, ходимлар ва бошқалар намоён бўлади. 1700 «Актив мажбуриятлар» счётининг дебетида 9000/1 «Тушумлар бюджети» счёти билан боғланиб, тушум бюджетиде режалаштирилган харидор ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзлари акс эттирилади. 1700

<sup>16</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф тақлифлари асосида ишлаб чиқилган.

«Актив мажбуриятлар» счёти кредити бўйича харидор ва буюртмачилардан ҳақиқатда келиб тушган пул маблағлари акс эттирилади.

1800 «Пассив мажбуриятлар» счёти оралиқ счёт ҳисобланиб, тўловлар бюджетдаги кўрсаткичлар билан ҳақиқатдаги тўловларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашга хизмат қилади. 1800 счёт «Пассив мажбуриятлар» счёти кредитида 9100/1 «Тўловлар бюджети» счёти билан боғланиб, тўловлар бюджети бўйича режалаштирилган ҳамкорлар олдидаги кредиторлик қарзлари акс эттирилади. Қуйидаги 10-расмда ушбу счётлар ўртасидаги ўзаро алоқа схема кўриниши таклиф қилинган.



**Счётлар орасида қуйидаги йўналишлар бўйича алоқалар ўрнатилади:**

- Бюджет счётлари (9000/1,9100/1) ва бухгалтерия ҳисоби счётлари;
- Бюджет счётлари (9000/1,9100/1) ва оралиқ счётлар (1700,1800);
- ..... Оралиқ счётлар (1700,1800) ва пул маблағлари счётлари.

**10-расм. Бюджет ва оралиқ счётларнинг мантикий боғланиши<sup>17</sup>**

Ушбу таклиф этилган счётлар маълумотлари асосида ҳисоб ва таҳлилий маълумотларни бирлаштириш, шунингдек, металлургия корхоналари учун фаолиятнинг ҳақиқий кўрсаткичларини уларнинг бюджет кўрсаткичларидан четланишларга олиб келувчи турли омилларни аниқлаш имконини берадиган бошқарув ҳисоботи шакли ишлаб чиқилди.

Бошқарув ҳисоботининг таклиф этиладиган шаклида нафақат бюджет ва ҳақиқатдаги кўрсаткичлар, балки улар орасидаги фарқлар, шунингдек, четланишларнинг сабаблари ва тавсифлари келтирилади.

Муаллиф таклифига мувофиқ, ички ишчи счётлар режасида таклиф қилинган счётлардан фойдаланиб, бошқарув ҳисоботларини ишлаб чиқиш мумкин. Шунингдек, ички назоратни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ёрдамида турли муддатларда, турли шаклларда (счёт карточкаси, счёт таҳлили, саналар бўйича счётларни таҳлил қилиш) амалга ошириш мумкин.


<sup>17</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари ушбу ҳисобот маълумотлари асосида зарур жадвал ва диаграммаларни тузиш мумкин.

Тадқиқот ишида тақлиф этилган бюджетлаштириш тизими бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботиға тўлиқ йўналтирилган бўлиб, иккита гуруҳдаги жадваллар билан ифодаланиши мумкин. *Биринчи гуруҳга* корхона молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи бизнес-жараёнлар турлари ёки хўжалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмалари учун истеъмол қилинадиган ресурс турлари бўйича бюджетлар киради.

*Иккинчи гуруҳ* эса мол-мулк бюджети ва корхона мулкни шакллантириш манбалари бюджетини ўз ичига олади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида металлургия саноати корхонасининг молиявий-хўжалик фаолиятини бюджетлаштириш жараёнини операцион режалаштириш ёрдамида қуйидаги ўн иккита босқичда ташкил этиш алгоритми тақлиф қилинди (11-расм).



11-расм. Металлургия саноати корхонаси асосий бюджетларни тузиш алгоритми<sup>18</sup>

Ушбу босқичларнинг ҳар бирида маълум бюджетлар шакллантирилади ва аниқ вазифалар ҳал этилади. Таъкидлаш керакки, дастлаб иккита босқични алоҳида амалга ошириш мумкин. Шунингдек, тадқиқотда металлургия саноати корхоналарида «Умумий бюджетини тузиш методологияси тўғрисидаги» намунавий йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу услубият ва 11-расмда тақлиф этилган асосий бюджетларни тузиш алгоритми

<sup>18</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф тақлифлари асосида ишлаб чиқилган.

босқичлари асосида металлургия саноати корхоналарида умумий бюджет ҳисоблаш услубияти яратилган.

Диссертациянинг «**Бошқарув ҳисобида ички назорат услубиятини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган бешинчи бобида металлургия саноати корхоналарида ички назорат услубияти ишлаб чиқилиб, металлургия саноати корхоналарида маҳсулотни ҳисобга олиш ва ички назорат қилиш учун ахборот тизими таклиф қилинган.

Ички назорат тушунчасини таҳлил қилиш муаллифга шундай хулосага келишга имкон бердики, омиллар таъсири, таваккалчиликларни бошқариш концепциясини корхонани бошқарув тизимига киритиш нуқтаи-назаридан ички назоратнинг моҳияти фақат назорат, бошқарув, баҳолаш ва таҳлил функциялари билан чекланиб қолади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида иқтисодий кўрсаткичларга асосланиб, ички назоратни амалга ошириш вақтида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатарлар, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун зарур омиллар аниқланди. Бу эса тадқиқот давомида ахборот тизимлари ёрдамида ички назоратни такомиллаштириш вазифасини келтириб чиқаради.

Муаллиф томонидан металлургия саноати корхоналарида ички назоратнинг ташкилий ва услубий хусусиятларининг тадқиқ этилиши уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш имконини бериб, металлургия саноати корхоналарида ички назорат тизимини такомиллаштириш йўналишлари қуйидаги кўринишда таклиф этилди, яъни: металлургия саноати корхонасини бошқариш тизимининг ахборот эҳтиёжларига мувофиқ назорат объектларини аниқлаш ва уларни текширишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш; ички назорат тизимини ташкил этиш ва назоратни ички регламентлаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш; бошқарувчилар иши ва ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, назоратнинг услубий ва технологик жиҳатларини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш (меҳнат, моддий, молиявий) ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги усулини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш ва харажатларни назорат қилиш ахборот базасини такомиллаштириш; металлургия саноати корхоналарида ички назорат хизмати, уларнинг ҳудудий корхоналарида эса назорат-тафтиш бўлимини ташкил этиш.


Тадқиқот натижасида ички назоратни режалаштириш жараёнларини қуйидаги такомиллаштирилган босқичлар асосида амалга ошириш таклиф этилди:

*1-босқич.* Ички назорат вазифаси аниқлаш; *2-босқич.* Харажатларни бошқариш ва баланслашган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш; *3-босқич.* Жавобгарлик марказларини ажратиб олиш; *4-босқич.* Бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичлари, харажатларни бошқариш тизими ва фаолиятнинг бошқа кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш; *5-босқич.* Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятининг миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш, молиявий коэффицентларни таҳлил қилиш ва

уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш; *б-босқич*. Ҳар бир омилнинг таъсирини математик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш.

Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида металлургия саноати корхоналарида ички ҳисоботни тузиш алгоритми таклиф этилиб, металлургия саноати корхоналарининг умумий хўжалик фаолияти назорат билан қамраб олиш, ишлаб чиқариш жараёнида хўжалик фаолияти операцияларининг мунтазам назоратини амалга ошириш имконияти яратилди.

Олиб борилган тадқиқот натижасида «Ўзметкомбинат» АЖда ички назоратни ташкил этиш тартиби таклиф этилди (12-расм).




12-расм.»Ўзметкомбинат» АЖда ички назоратни ташкил этиш тартиби<sup>19</sup>

«Ўзметкомбинат» АЖда ички назоратни ушбу таклиф асосида ташкил этиш қуйидаги имкониятларни беради: мавжуд ишлаб чиқариш захиралари, ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун яроқсиз захираларнинг аниқланиши ва сафарбар этилиши; корхонанинг самарали фаолият юритишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олди олиниши ва бартараф этилиши; корхона ва унинг мулкдорларини мулкий манфаатларига амал қилиниши; корхонани мажбурий ташқи аудит текширувлари, корхонанинг назорат-тафтиш

<sup>19</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

бўлимлари, солиқ органлари ва бошқа давлат ҳокимияти органлари томонидан ўтказилувчи тафтишларга тайёрлайди.

Тадқиқот давомида металлургия саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни ички назорат қилишни ахборот тизими ёрдамида амалга ошириш усули ишлаб чиқилди (13-расм).



13-расм. Умумий кўринишдаги ва батафсил ички назорат учун алоҳида вариант<sup>20</sup>

Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида металлургия саноати корхоналарида тайёр маҳсулотни ҳисобга олишнинг ички назоратини самарали ташкил этишни таъминлаб, ишлаб чиқарилаётган турли маркадаги металл маҳсулотининг тегишли ҳужжатларини ўз вақтида бажариш; корхона омборларида унинг хавфсизлигини назорат қилиш; тайёр маҳсулотлар ва ҳисоб-китобларни харидорларга жўнатиш ва сотишда операцияларни ўз вақтида акс эттириш; ишлаб чиқариш ва сотиш режаси устидан ички назоратни таъминлаш; ҳисоб-китобларнинг аниқлиги, фаолиятнинг самардорлигини ошириш ҳамда самарали ички назорат тизимини жорий этиш учун фаолиятни автоматлаштириш имконияти яратилди.

<sup>20</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

## ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. «Бошқарув ҳисоби» тушунчаси корхонани бошқаришда ресурслардан оқилона фойдаланиши, ходимларнинг доимий жавобгарлигини таъминлаш, қарор қабул қилиш ва амалдаги операциялар самарадорлигини ошириш, харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг мураккаб тизими, «ички назорат» тушунчаси белгиланган меъёрларни назорат қилувчи кундалик иш (фаолиятга таъсир этувчи омилларни аниқлаш), «бюджетлаштириш» таърифи фаолиятни назорат қилиш бошқарув технологияси, ресурсларни бошқаришда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида интизомий назоратни кучайтиришни киритиш асосида такомиллаштирилган.

2. Олиб борилган тадқиқотлар асосида бошқарув ҳисоби миллий тизимларига хос бўлган, корхоналар бошқаруви томонидан самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга тўсқинлик қилувчи, харажатларни ҳисобга олиш, қабул қилинаётган қарорларнинг бошқарув таҳлили билан тавсифланувчи таҳлилий таъминоти, бюджетлаштириш ва ички бошқарув ҳисоботларини шакллантиришдаги муаммолар аниқланиб, металлургия саноати корхоналарида бошқарув ҳисобини юритишнинг такомиллаштирилган услубияти таклиф этилди.

3. Бошқарув ҳисоби учун корхонанинг ҳисоб сиёсатини тузилиши ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, бошқарув ҳисоби мақсадлари учун мўлжалланган ҳисоб сиёсати тузилмасини уч қисмга ажратилди: бошқарув ҳисобининг назарий асоси (қоидалар), услубий асоси (тамойиллар), амалий усуллари (жараёнлар). Ҳисоб сиёсатининг юқорида кўрсатилган умумий таъминотларини бирлаштириш турли даражадаги бошқарув ходимлари орасидаги бошқарув ҳисоби ҳақидаги тарқоқ билимларни бирлаштиради ва маълум бир корхонада алоҳида бошқарув ҳисоби услубияти учун асос яратади.

4. Бошқарув ҳисобининг ўзига хос жиҳати бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур корхонанинг умумий ахборот тизими, бошқарув ҳисобининг асосий мақсади муайян ишлаб чиқариш натижалари учун масъул бўлган барча бошқарув поғоналаридаги корхона бошқарувчиларини ахборот билан таъминлашдан иборат, деган хулосага келиниб, меъёрлаштириш, режалаштириш, бюджетлаштириш, назорат ва таҳлил қилиш имконини берувчи бошқарув ҳисобининг автоматлаштирилган тизими таклиф этилди.

5. Металлургия саноати корхоналари бошқарув ҳисоби хизматини ташкил этишнинг иккита варианты ва бошқарув ҳисоби ҳисоботларининг таркиби таклиф этилди. Натижада бошқарув ҳисоботларининг амалдаги тизими, унинг таркиби, тузилмаси ва функцияларини ҳамда ишлашининг ташкилий-техник жиҳатларини таҳлил қилиш, ахборот оқимлари ва қарорлар қабул қилиш жараёнлари автоматлаштирилганлик даражасини баҳолаш ва



зарур ҳолларда уларни бошқарув ҳисоби ҳисоботлари тизимининг талабларига мувофиқлаштириш имконияти яратилган.

6. Металлургия саноати корхоналарида ички назорат тизимини шакллантиришнинг назарий-услубий асослари ифодаланди, унинг ишончилигини ошириш имконини берувчи такомиллаштириш йўллари белгиланди: металлургия саноати корхоналари фаолиятини ривожлантириш тенденцияси ва ички назорат тизимини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди; ўзаро боғланган таркибий қисмлар йиғиндиси сифатида бошқарув ҳисоби ва ички назорат тизимларининг металлургия саноати корхонаси таркибий бўлимлари, бош корхона ва ҳудудий корхоналар билан ўзаро боғлиқлигининг моҳияти ва ўзига хос хусусияти ёритиб берилди; жавобгарлик марказлари бўйича деталлаштирилган, металлургия саноати корхоналарида алоҳида таркибий бўлинмаларни ўзида намоён этувчи ички назорат объект ва субъектларининг ички назорат асослари назарияси ва услубиятига аниқлик киритилди.

7. Ички назорат шакллари ва турларига аниқлик киритиш асосида металлургия саноати корхоналарида ички назорат тизимини шакллантириш услубияти такомиллаштирилиб, қонунчиликда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва металлургия саноати корхоналарида самарали молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш, четланишларни аниқлаш, хатоликларни тузатиш ва корхона молиявий-хўжалик фаолияти ҳолати тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатишнинг олдини олиш, қонуний фаолият юритиш ва активлар сақланиши таъминланиб, фаолиятга таъсир этувчи омиллар аниқлаш имконияти яратилди.

8. Жавобгарлик маркази учун мақсад ва вазифалар, шу жумладан ахборот мақсадлари ва вазифалари белгиланиб, металлургия саноати корхоналарида ички назоратни ахборот билан таъминлаш тизими ишлаб чиқилди. Натижада харажатларни гуруҳлаш, харажатлар ва уларга таъсир этувчи омиллар ҳақида ҳам тўлиқ ахборотга эга бўлиш имконияти яратилган.

9. Металлургия саноати корхонаси учун сотиш бюджетини тузиш услубияти таклиф этилди. Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш корхона мулки ва уни шакллантириш манбаларининг таркиби ва тузилмасини оптималлаштириш имконини бериб, шу тариқа солиқ юқининг камайиши, маҳсулот таннархини пасайиши ва корхонанинг молиявий барқарорлиги ошишини таъминлайди.

10. Металлургия саноати корхоналарида «Умумий бюджетни тузиш методологияси тўғрисидаги» намунавий йўриқнома ишлаб чиқилди. Ушбу йўриқнома корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш бюджетларини шакллантиришда, дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини аниқлашда, металлургия саноати корхоналарида тезкор бюджетни шакллантиришда услубий асос бўлиб хизмат қилади.

11. Бошқарув ҳисоби тизимида тушумлар ва тўловлар бюджети бўйича маълумотларни тайёрлашда бюджетлаштириш жараёнини ташкил этиш учун

қўшимча ички ишчи счётларни, иккита бюджет ва иккита оралиқ счётларни киритиш таклиф этилди. Натижада ҳисоб-китоблар ва бюджетларнинг аниқ вақт давомида амалга оширилиши устидан назорат амалга ошириш имконияти яратилиб, шунингдек, бюджет ва ҳақиқий кўрсаткичлар ўртасидаги четланишларни аниқлаш имконини берди.

12. Бюджетлар ижросини назорат қилиш учун тезкор ахборотни акс эттирган ички ҳисоботлар ишлаб чиқилиб, ички ҳисоботларнинг ахборот таркиби ва мазмунини ўз ичига олувчи шакллари таклиф этилди.

13. Металлургия саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни тўғри ҳисобга олиш ва ички назорат қилишни амалга ошириш варианты ишлаб чиқилди. Ушбу таклифга мувофиқ сотувлар ҳажмини ошириш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини пасайтириш, сотувлар рентабеллиги даражасини ошириш заҳираларини аниқлаш учун ахборот билан таъминлаш имконини берувчи усули тавсия этилиб, маҳсулот, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг назоратини баҳолаш, унинг металлургия саноати корхоналари харажатларини бошқариш учун аҳамияти асослаб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. I.17.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ  
ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**АБДУСАЛОМОВА НОДИРА БАХОДИРОВА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ВНУТРЕННЕГО  
КОНТРОЛЯ И БЮДЖЕТИРОВАНИЯ В СИСТЕМЕ  
УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА**

**08.00.08 – Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора (DSc) экономических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.DSc/Iqt187.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узб., рус., англ. (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный консультант:** **Ибрагимов Абдугапур Каримович**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Пардаев Мамаюнус Каршибоевич**  
доктор экономических наук, профессор

**Каримов Ньматулла Фатхуллаевич**  
доктор экономических наук

**Аликулов Абдумумин Исматович**  
доктор экономических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» ноября 2019 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета № DSc.27.06.2017.I.17.01 при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, д. 60 А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [info@tfi.uz](mailto:info@tfi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрирована за № \_\_\_). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, д. 60 А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [info@tfi.uz](mailto:info@tfi.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**И.Н. Кузиев**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

**С.У. Мехмонов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

**Ж.И. Каримкулов**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, кандидат экономических наук, доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (DSc) экономических наук)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях развития мировой экономики проблемы ведения управленческого учета и правильного его использования на предприятиях становятся все более актуальными. Внутренний контроль и бюджетирование в системе управленческого учета – важные инструменты управления, которые играют особенную роль в повышении качества и эффективности управленческих решений, а также в максимизации ожидаемого положительного эффекта и эффективного управления экономическими рисками. На международном уровне проблемы развития управленческого учета и совершенствования его методологии изучаются Комитетом по финансовому и управленческому учету при Международной федерации бухгалтеров (International Federation of Accountants, IFAC), Институтом управленческого учета США (Institute of Management Accountants – IMA) и Институтом управленческих бухгалтеров Великобритании (Chartered Institute of Management Accountants (CIMA)<sup>1</sup>. Комитет разрабатывает стандарты управленческого учета, рекомендуемые для компаний. Институт управленческого учета насчитывает 75 000 своих членов по всему миру и более 300 региональных отделений. CIMA рекомендует четыре основных принципа управленческого учета: коммуникация, использование данных, факторный анализ и надежное управление<sup>2</sup>. В настоящее время перечень функций и принципов управленческого учета значительно расширен, а проблемы, связанные с методологическим совершенствованием бюджетирования и организацией внутреннего контроля, становятся все более актуальными.

В международной практике проводится множество исследований с целью улучшения и развития процессов внутреннего контроля и бюджетирования в системе управленческого учета. В них, в частности, рассматриваются преимущества механизмов управленческого учета на металлургических предприятиях с учетом деятельности металлургической отрасли, алгоритмов расчета технико-экономических показателей, используемых в управлении, развития информационного менеджмента и учета затрат с решением задач и особенностей стратегического управления в холдинговых структурах данной отрасли. На основе изучения опыта развитых стран и научных достижений, совершенствование управленческого учета и внутренней отчетности как основного источника информационно-бухгалтерской реформы предприятий в соответствии с принципами бухгалтерского учета и отчетности в металлургической отрасли, формирование концепции и методологии системы внутреннего контроля и бюджетирования на основе разработки методов внутреннего контроля и бюджетирования, а также дальнейшее развитие его теории и практики являются важнейшим фактором решения этой научной проблемы.

---

<sup>1</sup> «Management Accountants Seeing Pay Raises». Accounting Today. 2 March 2018. Retrieved 10 August 2018.

<sup>2</sup> <https://www.cimaglobal.com>.

Металлургическая отрасль – одна из ведущих отраслей экономики Узбекистана. За последние два года были приняты долгосрочные программы по ускорению развития, модернизации и расширения производства крупных предприятий горно-металлургического комплекса. В результате принятых мер доля металлургической отрасли в общем объеме промышленного производства увеличилась с 8,4% в 2017 году до 11,2% в 2018 году. Совершенствование системы учета, управления и внутреннего контроля в системе учета и управления за счет широкомасштабного внедрения современных методов управления в отрасли на сегодняшний день является одной из ключевых задач. В Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года было отмечено, что в результате структурных изменений в экономике доля промышленности в ВВП, как ожидается в текущем году, возрастет с 35 до 37 процентов. Поэтому разработка средние и долгосрочных программ развития для каждого района и города<sup>3</sup> является одной из приоритетных задач, реализация которой требует разработки управленческого учета на основе международного опыта и проведения исследований, связанных с совершенствованием методологии внутреннего контроля и бюджетирования в системе бухгалтерского учета.

Настоящее диссертационное исследование в значительной мере способствует решению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП №4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП №5544 «О стратегии инновационного развития Республики Узбекистан в 2019-2021 годах» от 21 сентября 2018 года, УП №4124 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической промышленности» от 17 января 2019 года, Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан №425 «О мерах по совершенствованию порядка обращения с ломом, отходами цветных и черных металлов» от 6 июня 2018 года, № 911 «О мерах по реализации инвестиционных проектов и эффективному использованию объектов АО «Узметкомбинат» от 5 ноября 2018 года, а также в иных нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящее диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>4</sup>.** Научные исследования, связанные с совершенствованием методологии

---

<sup>3</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года. <http://uza.uz>.

<sup>4</sup> Тема диссертации подготовлена на основе зарубежных научно-исследовательских пояснений: <https://miit-ief.ru/about/>; <https://www.cimaglobal.com/>; <https://www.aicpa-cima.com/>; <http://www.m-economy.ru>; <https://www.cpaaustralia.com.au/become-a-cpa/professionalbodies/cima>; <https://www.aicpa.org/>; <https://www.icaew.com/>; <https://ipfm.eu/>; <https://icmai.in/icmai/index.php>; <https://ipfm.org/>; <http://ief.kg/>; <https://www.aicpacima.com/>; <https://studbooks.net/1415447/>; <https://www.epma.com>;

внутреннего контроля и бюджетирования в системе управленческого учета, осуществляются в ведущих исследовательских центрах и университетах мира, в том числе в таких, как Institute of Management Accountants (IMA), Association of International Certified Professional Accountants (AICPA), Chartered Institute of Management Accountants (CIMA), Statements on Management Accounting (SMA), Institute of Chartered Accountants In England and Wales (ICAEW), Agreement with the Institute of Cost Accountants of India (ICAI), Institute of Professional Financial Managers (IPFM, Великобритания), Institute of Professional Financial Managers, Chartered Institute of Management Accounting (CPA Australia), University of Westminster (Великобритания), Институт экономики и финансов при Российском транспортном университете (Россия), Институт экономики и финансов (Кыргызстан), Ташкентский государственный экономический университет, Ташкентский финансовый институт (Узбекистан).

На основе исследований по совершенствованию методологии внутреннего контроля и бюджетирования в системе управленческого учета был получен ряд научных результатов, в частности таких, как: на основе разработки международных стандартов бухгалтерского учета были усовершенствованы концепция управленческого учета, практика и технология управленческого учета (Statements on Management Accounting, American Accounting Association); были усовершенствованы система учета и контроля затрат для улучшения финансовых показателей (University «St.Clement Ohridski» – Bitola, Marksova); в системе управленческого учета были усовершенствованы функции внутреннего контроля и регулирования деятельности предприятий (Universiti Utara Malaysia); усовершенствован способ бюджетирования инвестиций и внутреннего контроля за источниками их финансирования (Московский госуниверситет им. М.В. Ломоносова); рекомендовано формирование методологии бюджетирования на основе деятельности бюджетного процесса (activity-based budgeting) (The George Washington University, Lancaster University, University of Southern California); усовершенствована методология предоставления информации внутреннего контроля для принятия управленческих решений по снижению себестоимости продукции (Российский университет кооперации).

В мировом масштабе исследования по совершенствованию методологии внутреннего контроля и бюджетирования бухгалтерского учета проводятся по следующим приоритетным направлениям, а именно: совершенствование управленческого учета с использованием функционального модуля автоматизированной информационной системы промышленного предприятия; оценка и совершенствование существующей системы учета и бюджетирования; методологические вопросы бюджетирования и управленческого учета внутреннего контроля; совершенствование системы

внутреннего контроля через функции управленческого учета и регулирования предприятий; повышение производительности труда за счет создания системы внутреннего контроля; совершенствование методологии внутреннего контроля на основе международных стандартов; совершенствование методов бюджетирования в системе управленческого учета; совершенствование методологии оценки бюджетной эффективности управления затратами в системе управленческого учета.

**Степень изученности проблемы.** Проблемы совершенствования методологии внутреннего контроля и бюджетирования в системе управленческого учета, развития систем управленческого учета изучались рядом зарубежных и отечественных ученых. В частности теоретические, методологические и практические аспекты данной проблемы были изучены в работах таких зарубежных ученых-экономистов, как К.Друри, Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, Р.Гаррисон, Э.Норин, П.Брюэр, С.Т.Хорнгрен, С.М.Датар, М.В.Ражан, Ж.К.Шим, Э.А.Аткинсон, М.А.Бахрушина, В.В.Бурцев, А.Д. Шеремет, В.Б.Ивашкевич, А.В.Ильина, Т.Карпова, Н.А.Ермакова, О.В.Савостина и др.<sup>5</sup>

В последние годы в республике также проводились исследования по управленческому учету, внутреннему контролю и бюджетированию и, в этой связи, публиковались научные статьи, монографии и учебники. Это, в частности, публикации таких ученых-экономистов, как А.К.Ибрагимов, М.К.Пардаев, А.Х.Пардаев, Р.Д.Дусмуратов, Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков, К.Б.Ахмеджанов, Ш.И.Илхамов, С.У.Мехмонов, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, Б.К.Хамдамов, Б.Ю.Махсудов, А.Ж.Туйчиев, К.Б.Уразов, И.Н.Кузиев, М.М.Тулахаджаева, З.Н.Курбанов, К.Р.Хотамов, М.Э.Пулатов и др.<sup>6</sup>

---

